

**ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ҚУВУРЛАРИ УЧУН СЕРВИТУТ ҲОЛАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ
БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Дурходжаев Джамшидходжа Файзуллаевич

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти” Миллий тадқиқот университети ассистент ўқитувчиси

Усмонова Ширин Юлдашевна

“Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ бош мутахассиси

Аннотация

Мақолада ичимлик ва оқова сув тармоқлари учун сервитут белгиланадиган ҳолатларни аниқлаш, уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш, қувурларни ўтказишда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тармоқларнинг якуний трассасини (йўналишини) танлаш, тармоқларни қуриш, кузатиш, эксплуатация қилиш ва аварияларни бартараф этиш жараёнларидаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан таклифлар ва ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ичимлик суви, сув қувурлар, сервитут.

Кириш

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи сервитут дейилади. Сервитут кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгасининг қўшни ер участкасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасидан ҳам чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир [1].

Ичимлик ва оқова сув тизимларидан фойдаланиш мақсадида бошқа шахс эгалигидаги ҳудудга кириши ва унинг ўз мол-мулкига эркин эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш имкониятини чеклаши ҳар доим сервитут белгиланадиган ер участкасининг эгасида салбий муносабатни юзага келтиради. Бироқ ичимлик ва оқова сув тармоқларидан фойдаланиш мақсадида сервитут олувчи учун у, ўз навбатида, ўз ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур. Бундай вазиятда икки субъект манфаатларининг мувозанатига эришиш ҳар доим мураккаб бўлади. Шу сабабли хўжалик судларининг мазкур масала бўйича ҳал қилув қарорлари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда халқ хўжалигининг барча соҳалари каби ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш йўналишида ҳам сервитутни белгилаш амалиёти жуда кам ривожланган.

Шу боис бу соҳадаги жамоатчиликни кенг хабардор қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш зарур ҳисобланади.

Ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланишда сервитут белгиланиши [1], кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)ни беришни талаб қилишга ҳақлилиги ер участкасига сервитут белгиланиши унинг эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан

фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этилмаслиги [2] қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган.

Амалиётда лойиҳалаштириладиган, қуриладиган ва эксплуатация қилинадиган ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда ушбу тармоқлар трассасида жойлашган қудуқ, дюкер ва акведуклар ҳамда уларнинг муҳофаза зоналари учун сервитут қўлланиши мумкин.

Ичимлик суви ва канализация тармоқлари учун ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилмайдиган ҳолатларда ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи - сервитут тўғрисидаги келишув асосида амалга оширилади.

Ичимлик суви ва канализация тармоқларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар орқали ўтказишда уларни ер контурлари чегараси, ички йўллар ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсир кўрсатишни инобатга олиб жойлаштириш жойлаштириш зарур.

Ичимлик суви ва канализация тармоқларини ўтказиш бўйича лойиҳа ҳужжатларида суғориладиган ерларнинг қисқариши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, суғориш ва мелиорация тизимининг бузилиши билан боғлиқ зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобутгарчилигини, ер мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига етказиладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ бошқа харажатлар (ундирилиши ёки озод қилинишидан қатъий назар) мажбурий равишда кўрсатилади.

Тармоқларнинг якуний трассасини (йўналишини) танлаш харажатларни ўзаро солиштириш орқали амалга оширилади [3].

Мавжуд номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, ичимлик ва оқова сув объектларини қуриш учун ўрнатилган тартибда ажратилган ер майдонлари чегарасида жойлашган тармоқлар ҳамда қуриладиган тармоқ келгусида ушбу тармоқни балансда сақловчи корхонага тегишли бўлган ҳудудлардан ўтган тақдирда, мазкур тармоқлар ўтган ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида алоҳида ажратиш талаб этилмайди.

Агарда истеъмолчиларга тегишли тармоқларни ёндош ҳудудлардан ўтказишда ўзаро келишишнинг имкони бўлмаган тақдирда сервитут тўғрисидаги келишув шаклида, келишувга эришилмаган тақдирда суд қарори билан расмийлаштирилиши мумкин.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига оlinиши лозим.

Сервитут тўғрисидаги келишувда ичимлик ва оқова суви тармоқлари эгаллайдиган ер майдони, ушбу объектларни қуриш, улардан фойдаланиш, кўздан кечириш, таъмирлаш шартлари, ер фонди тоифасидан қатъий назар ер участкаси мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ва ижарачисига етказилган зарарни қоплаш, ер участкасини унинг аввалги ҳолатига келтириш, сервитут учун ҳақ тўлаш тартиби ҳамда сервитут белгиланган ер участкасидан фойдаланишдаги чекловлар кўрсатилиши келгусида ортиқча муаммолар келиб чиқиши олдини олиш учун ҳисобланади.

Ичимлик ва оқова сув тармоқларига энг яқин ер ости муҳандислик коммуникация тармоқлари, бино ва иншоотларгача бўлган масофалар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан белгиланиши зарур [4].

Қувурларнинг санитария муҳофазаси ҳудудлари ичимлик суви тармоқларининг санитар-эпидемиологик ишончилигини таъминлаш мақсадида эътиборга олинади.

Сув қувурлари бино ва иншоотлар қурилмаган бўш ҳудудлардан ўтганда сув қувурларининг санитар-ҳимоя чизиғининг кенглиги энг четдаги сув тармоғидан қуйидаги масофаларда белгиланади:

қуруқ тупроқларда ётқизилганда – диаметри 1000 мм гача бўлганда камида 10 метр, диаметри 1000 мм дан катта бўлганда камида 20 метр;

хўл тупроқларда диаметридан қатъий назар 50 метрдан кам бўлмаслиги керак [5].

Сув қувурларининг санитар-ҳимоя чизиғи доирасида тупроқни ва грунт сувларини ифлослантирувчи манбалар (хожатхоналар, мағзава чуқурлари, гўнгхоналар ва чиқинди қабул қилгичлар ва бошқалар) бўлмаслиги керак.

Шунингдек, сервитут ўрнатиш тўғрисидаги келишув асосида белгиланган ер участкасида, ер участкаси мулкдори, эгалик қилувчиси ва фойдаланувчиси, ижара ҳуқуқи билан ажратилган ерда эса ижарачи ва ижарага берувчи, норматив-техник ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида тармоқларининг муҳофаза зоналари ҳамда санитар-ҳимоя чизиқлари доирасида бажарилиши лозим бўлган хавфсизлик қоидаларига риоя этилишига масъулигини алоҳида қайд этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан келишувга ташқари ер участкаси мулкдори, эгалик қилувчиси ва фойдаланувчиси, ижара ҳуқуқи билан ажратилган ерда эса ижарачи ва ижарага берувчи тармоқларни балансда сақловчига ўз хизмат фаолиятини бажариши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ мажбуриятлар ҳам киритилиш лозим.

Хулоса

Ичимлик ва оқова сув тармоқларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш йўналишида сервитутни келишувини пухта ишлаб чиқиши томонлар ўртасидаги зиддиятли муносабатларнинг олдини олибгина қолмай, балки мавжуд тизимларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш кафолатларини ҳам беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги ПҚ-204-сон Қарори.
4. ШНҚ 2.07.01-03. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш.
5. ҚМҚ 2.04.03-19 Сувоқова. Ташки тармоқлар ва иншоотлар.